Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 459 Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Аҳолига бирламчи ёрдам кўрсатиш тиббий муассасаларининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, амбулатория-поликлиника муассасаларининг тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати, стационарлар ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам марказлари билан ўзаро ҳамкорлигининг амалий механизмларини жорий этиш, шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолиси учун қулай ва малакали бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилиши юзасидан улар раҳбарлари ва мутахассисларининг шахсий масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Тошкент шаҳрининг туман марказий кўп тармоқли ва оилавий поликлиникаларининг, шунингдек, улар раҳбарлари ва мутахассисларининг асосий вазифалари этиб, қуйидагилар белгилансин:

аҳолига энг кўп учрайдиган касалликларни профилактика қилиш ва даволаш бўйича алоҳида беморлар ҳамда бутун оила даражасида тиббий хизматлар кўрсатиш;

аҳолига малакали бирламчи, биринчи навбатда касалликларни профилактика қилиш масалаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, туғруқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган беморлар ҳамда ўзгалар кўмагига ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ўртасида доимий патронаж ишларини амалга ошириш;

оилада тиббий маданиятни ошириш ва ҳар бир кишининг ўз саломатлиги ва болалари саломатлиги учун масъулиятини оширишга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

аҳоли ўртасида баркамол соғлом авлодни тарбиялашга, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга, тиббий этика ва деонтология, санитария-гигиена кўникмалари, оқилона овқатланиш қоидаларига риоя этишга, туғма патология ва ирсий касалликларни камайтиришга йўналтирилган профилактика тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

миллий календарга биноан профилактика эмлашларини ўтказиш йўли билан бошқариладиган инфекциялар ва уларнинг асоратларини профилактика қилиш;

юқумли бўлмаган касалликларга чалиниш хавфи омилларини барвақт аниқлаш механизмларини жорий этиш йўли билан аҳоли ўртасида касалликка чалиниш, ногиронликни ва барвақт ўлимни профилактика қилиш;



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, клиник, биокимёвий лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказиш орқали аҳолининг бевосита яшаш жойларида профилактик тиббий кўриклар ташкил этиш йўли билан касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сурункали касалликларга айланиб кетишига йўл қўймаслик;

туну-кун фаолият кўрсатадиган мобил, диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ яхши жиҳозланган тез тиббий ёрдам кичик станциясидан фойдаланган ҳолда, шифохонага ётқизишдан олдинги тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, сурункали касалликларга чалинган беморларни мунтазам кузатиб туришни, соғломлаштиришни ва реабилитация қилишни таъминлаш;

юқумли касалликлар, заҳарланишлар ва фавқулодда вазиятлар тўғрисида тегишли хизматларни ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни, бириктирилган участкани ва уй хўжаликларини санитария жиҳатидан хотиржамлиги юзасидан умумий назоратни амалга ошириш, юқумли касалликлар ўчоқларида обсервация тадбирларини ўтказиш, аҳолини хавфли эпидемик вазият тўғрисида огоҳлантириш;

раҳбарлар ва мутахассисларнинг бириктирилган аҳоли олдида ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларида камчиликларни ва муаммоли масалаларни бартараф этиш, иш шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш, шунингдек, манзилли бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳар чоракда ҳисобот бериш тизимини жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳри оилавий поликлиникаси тўғрисидаги намунавий низом ва намунавий тузилмаси 1- ва 2-иловаларга мувофиқ;

Тошкент шаҳри туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси тўғрисидаги намунавий низом ва намунавий тузилмаси 3- ва 4-иловаларга мувофиқ;

Тошкент шаҳрининг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами, тез тиббий ёрдам муассасалари ҳамда стационар тиббиёт ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Тез тиббий ёрдам чақирувларига хизмат кўрсатиш ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, стационар тиббиёт ташкилотлари ва тез тиббий ёрдам хизмати ўртасида ахборот айирбошлаш схемаси 5а, 5б ва 5в-иловаларига мувофиқ;

Тошкент шаҳри бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ҳамда тез тиббий ёрдам кичик станцияларининг жойлашуви, шунингдек, уларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бириктириш 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда ҳар бир туманда ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарла-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



ри ва мутахассисларининг масъулиятини ошириш юзасидан махсус семинарлар ўтказсин;

бир ой муддатда оилавий поликлиникалар раҳбарлари ва мутахассисларининг — бириктирилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолиси олдида, туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарлари ва мутахассисларининг — халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларида ҳар чоракда ҳисобот бериш тизими Тартибини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

Тошкент шаҳрининг оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмларини ушбу қарорнинг 1 — 4-иловаларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда қайта тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрининг туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари ва оилавий поликлиникалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг тўлиқлиги ва сифатини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги, тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш натижалари асосида уларни моддий рағбатлантириш тизимини ўз ичига оладиган Низом лойиҳасини икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда ушбу тизимнинг 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб амалиётга киритилишини назарда тутсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрининг оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари штат нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

уч ой муддатда Тошкент шаҳрининг оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникаларини ўз касбига содиқ ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини сифатли даражада таъминлашга қодир бўлган малакали тиббиёт кадрлари билан тўлдириш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш штатдаги ходимларнинг амалдаги умумий сони ҳамда 2017 йилда Тошкент шаҳрининг оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникаларини сақлаб туришга ажратилган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Тошкент шаҳри ҳокимлиги:

профилактика ва патронаж ишларини ҳамда бириктирилган аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш учун ҳар бир оилавий поликлиникани ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникаларини иккита махсус автомобиль билан таъминласин;

ҳар йили муассасанинг режадаги қувватига мувофиқ ҳар бир поликлиникага бириктирилган аҳоли сонини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



шаҳри ҳокимлиги оилавий ва туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарлари ва мутахассисларининг аҳоли олдида ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларидаги ҳисоботлари якунлари бўйича бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами хизматини такомиллаштириш юзасидан ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш чора-тадбирларининг мувофиқлаштирилишини ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича 7-иловага мувофиқ махсус комиссия ташкил этилсин.

Қуйидагилар комиссиянинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳолатини пухта ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тезкор чоралар кўриш, тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларининг аҳолига тиббий хизматларнинг ўз вақтида кўрсатилиши, сифати ва самарадорлиги юзасидан шахсий масъулиятини ошириш чораларини кучайтириш;

Тошкент шаҳри фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарига тиббий ёрдам кўрсатиш, энг аввало, йўл қўйиб бўлмайдиган совуққонлик, фуқароларнинг асосланган талабларига юзаки муносабатда бўлишнинг, тиббиёт ходимлари томонидан ўз касбий вазифалари виждонан бажарилмаслиги аниқланган ҳолатлари бўйича тушган ёзма ва оғзаки мурожаатларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда улар юзасидан таъсирчан чоралар кўриш;

2017-2018 йиллар якунлари бўйича тўпланган ижобий тажрибани республикамизнинг бошқа шаҳарларида жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида аниқ таклифлар киритиш.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 6 июнь,
ПҚ–3039-сон



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 6 июндаги
ПҚ–3039-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиника тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиника (кейинги ўринларда поликлиника деб аталади) бириктирилган аҳолига бирламчи тиббий-санитария хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган муассаса ҳисобланади.

2. Поликлиника Тошкент шаҳри туман тиббиёт билашмаси тузилмасига киради ҳамда давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, банкларда ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

3. Поликлиникага бириктирилган аҳоли сони аҳоли зичлигини ва географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Бунда 25 минг киши поликлиникага бириктирилган энг оптимал аҳоли сони ҳисобланади.

4. Поликлиника ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

### 2-боб. Поликлиниканинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар поликлиниканинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳолига энг кўп учрайдиган касалликларни профилактика қилиш ва даволаш бўйича ҳам алоҳида беморлар, ҳам бутун оила даражасида тиббий хизматлар кўрсатиш;

аҳолига малакали бирламчи, биринчи навбатда, касалликларни профилактика қилиш масалаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, туғруқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ёлғиз кексалар, ногиронлар ва сурункали касалликларга чалинган шахслар ҳамда ўзгалар ёрдамига ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ўртасида мунтазам патронаж ишларини амалга ошириш;

оилада тиббий маданиятни ошириш ва ҳар бир кишининг ўз саломатлиги ва ўзининг болалари саломатлиги учун масъулиятини оширишга йўнал-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



тирилган дастурларни амалга ошириш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

аҳоли ўртасида баркамол соғлом авлодни тарбиялашга, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга, тиббий этика ва деонтология, санитария-гигиена кўникмалари, оқилона овқатланиш қоидаларига риоя этишга, туғма патология ва ирсий касалликларни камайтиришга йўналтирилган профилактика тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

миллий календарга биноан профилактика эмлашларини ўтказиш йўли билан бошқариладиган инфекциялар ва уларнинг асоратларини профилактика қилиш;

юқумли бўлмаган касалликларга чалиниш хавфи омилларини барвақт аниқлаш механизмларини жорий этиш йўли билан аҳоли ўртасида касалликка учрашни, ногиронликни ва барвақт ўлимни профилактика қилиш;

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, клиник, биокимёвий лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказиб аҳолининг бевосита яшаш жойларида профилактик тиббий кўриклар ташкил этиш йўли билан касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сурункали касалликларга айланиб кетишига йўл қўймаслик;

кеча-кундуз фаолият кўрсатадиган мобил, диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ яхши жиҳозланган тез тиббий ёрдам кичик станциясидан фойдаланган ҳолда шифохонага ётқизишдан олдинги тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек сурункали касалликларга чалинган беморларнинг мунтазам кузатиб турилишини, соғломлаштирилишини ва реабилитация қилинишини таъминлаш;

юқумли касалликлар, заҳарланишлар ва фавқулодда вазиятлар тўғрисида тегишли хизматларни ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни, бириктирилган участкани ва уй хўжаликларини санитария жиҳатидан хотиржамлиги юзасидан умумий назоратни амалга ошириш, юқумли касалликлар ўчоқларида обсервация тадбирларини ўтказиш, аҳолини хавфли эпидемик вазият тўғрисида огоҳлантириш.

6. Юкланган вазифаларга мувофиқ поликлиника қуйидаги функцияларни амалга оширади:

касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида туғруқ ёшидаги аёллар ва ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ёлғиз кексалар, ногиронлар ва сурункали касалликларга чалинган шахслар ҳамда ўзгалар ёрдамига ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ўртасида мунтазам ва тизимли патронаж ишларини амалга ошириш;

репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, хавфсиз оналикни таъминлаш, кутилмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, контрацепция, этика, психология, оилавий ҳаётнинг ижтимоий ва бошқа жиҳатлари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш;

соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти, юқумли касалликлар профилактикаси, кўкрак сути билан эмизиш, болалар саломатлигидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш, уларни таълим муасса-



WWW.LEX.UZ

саларига ўқишга киришга тайёрлаш, касбга йўналтириш масалалари бўйича санитария-тушунтириш ишларини олиб бориш;

соғломлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ҳамда поликлиникага бириктирилган аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш;

миллий календарга биноан белгиланган муддатларда профилактика эмлашларини ўтказиш;

касалликларни барвақт аниқлаш, касалланишни ва унинг асоратларини камайтириш, ногиронликка чалинишни ва ўлимни камайтиришга доир комплекс профилактика тадбирларини ўтказиш;

аҳолини даволаш ва соғломлаштириш тадбирларини, сурункали касалликларга чалинган беморларни диспансеризациядан ўтказиш;

белгиланган стандартларга биноан мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда лаборатория ва инструментал текширишларни ўтказиш;

беморларга тиббий маслаҳатлар бериш, касалликнинг оғир кечиши ва айрим алоҳида ҳолатларида ҳамда кам учрайдиган касалликка чалиниш ҳолатларида касаллик кўрсаткичларига биноан стационар ва диспансер муассасаларига текширишдан ўтиш ва даволаниш учун йўлланмалар бериш;

хизмат кўрсатиладиган аҳолига шифохонага ётқизишдан олдинги тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда зарур ҳолларда белгиланган тартибда тиббий ташкилотларга ётқизиш;

аҳоли ўртасида касалланиш, травматизм, ногиронлик, ўлимнинг олдини олиш ва уларни камайтириш бўйича профилактика тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш;

беморларни текшириш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича бошқа даволаш-профилактика муассасалари билан узвийлик тамойилига риоя этиш;

беморларни ҳаёт учун хавфли ва бахтсиз ҳодисалар (травмалар, заҳарланиш, ҳайвонлар ва кемирувчилар, газандалар тишлаши, чақиши) ҳолатларида уларни шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш учун бошқа даволаш-профилактика муассасаларига ва ихтисослаштирилган муассасаларга юбориш;

меҳнатга лаёқати барқарор йўқотилган беморларни врачлик-маслаҳат комиссиясига (ВМКга) ва врачлик-меҳнат эксперт комиссиясига (ВМЭКга) белгиланган тартибда юбориш;

юқумли касалликлар, паразитар ва касб касалликлари, заҳарланишлар ва санитария-гигиена талабларининг аниқланган бузилишлари тўғрисида давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларни белгиланган тартибда хабардор қилиш.

## 3-боб. Поликлиниканинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

7. Ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун поликлиника қуйидаги ҳуқуқларга эга:

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиб, юқори соғлиқни сақлаш органи билан келишган ҳолда ўзининг асосий фаолиятини режалаштириш;



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



поликлиникага берилган мол-мулкдан белгиланган тартибда фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

оилавий поликлиника ходимларининг малакасини ошириш;

фаолиятнинг қонун ҳужжатларига, поликлиника фаолияти мақсадлари ва предметига зид бўлмаган бошқа турларини амалга ошириш.

Поликлиника қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Поликлиника қуйидагиларга мажбур:

бириктирилган ҳудуд аҳолисини малакали тиббий ёрдам билан таъминлаш;

беморларни амбулаторияда қабул қилиш ва уларни уйига бориб кўриш;

беморлар ҳуқуқларига, шу жумладан уларнинг бемор тўғрисидаги тиббий маълумотларнинг махфийлиги ҳуқуқига риоя этиш;

поликлиника биноларида зарур санитария-гигиена режимини, асептика ва антисептика қоидаларини, асбобларни ва материалларнинг гемоконтакт ва бошқа инфекциялардан профилактикасини таъминловчи стерилизация қилиш шарт-шароитларини сақлаб туриш;

қонун ҳужжатлари, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя қилиш;

мавжуд тиббий асбоб-ускуналар, аппаратлар ва мол-мулкнинг сақланишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

поликлиника фаолиятига оид ҳужжатларнинг сақланишини, шунингдек уларнинг давлат сақловига белгиланган тартибда берилишини таъминлаш.

9. Поликлиника ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни унинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

## 4-боб. Поликлиника ишини ташкил этиш ва уни бошқариш

10. Поликлиникага Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош врач раҳбарлик қилади.

11. Бош врач белгиланган тартибда:

поликлиника фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, унинг ишларини ташкил этади, поликлиника номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини барча ташкилотларда ифода этади, поликлиника ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, поликлиниканинг молиявий маблағларини тасарруф этади, буйруқлар чиқаради ҳамда поликлиника фаолиятининг натижалари учун шахсан жавоб беради;

туман марказий кўп тармоқли поликлиникасига ҳисоботлар тақдим этади;

мутахассислар билан биргаликда бириктирилган фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолиси олдида ҳисобот беради.

12. Поликлиниканинг асосий фаолиятини умумий амалиёт врачи дипломига (сертификатига) эга бўлган махсус тайёрланган мутахассислар ва



WWW.LEX.UZ

патронаж ҳамширалари олиб борадилар. Беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун поликлиника тор ихтисосли мутахассислар билан таъминланади.

## 5-боб. Поликлиниканинг молия-хўжалик фаолияти

13. Поликлиниканинг молия-хўжалик фаолияти қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Қуйидагилар поликлиникани молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

поликлиниканинг жорий фаолиятини сақлаб туришга, унга юкланган вазифалар ва функцияларини бажариш бўйича тадбирларни амалга ошириш, шунингдек поликлиниканинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хайрия эҳсонлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан олинган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

15. Муайян поликлиникани молиялаштиришнинг йиллик ҳажми бир нафар яшовчига харажатларнинг базавий нормативи ҳисоб-китобидан ҳамда тузатиш коэффициентларидан (жинси ва ёши таркиби ҳамда аҳоли зичлигига кўра) фойдаланилган ҳолда бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб аниқланади.

Ҳисобот йили охирида муассасаларнинг ҳисоб рақамларида қолган маблағлар олиб қўйилмайди ҳамда улардан моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва ходимларни белгиланган тартибда моддий рағбатлантириш учун фойдаланилади.

16. Поликлиниканинг бош врачи маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.

## 6-боб. Ҳисоб-китоб ва поликлиниканинг ҳисоботи

17. Поликлиника белгиланган тартибда даврий асосда статистика ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини амалга оширади.

18. Поликлиника ўз фаолияти тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳисоботлар ва бошқа ахборотлар тақдим этади.

## 7-боб. Якунловчи қоида

19. Поликлиникани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 6 июндаги ПҚ–3039-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиниканинг
## НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ




Изоҳ: зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиника тузилмасига тасдиқланган штат нормативлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш хуқуқига эга.

WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 6 июндаги
ПҚ–3039-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Тошкент шаҳридаги туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси тўғрисида**
**НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Тошкент шаҳридаги туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси (кейинги ўринларда ТМКТП деб аталади) туман аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ва ихтисослаштирилган даволаш-профилактика, консультация-диагностика ёрдами кўрсатиш учун мўлжалланган муассаса ҳисобланади.

2. ТМКТП Тошкент шаҳри туман тиббиёт бирлашмаси тузилмасига киради ҳамда давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, банкларда ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

3. ТМКТП туман аҳолисига амбулатория-поликлиника ёрдами ташкил этиш ва кўрсатиш бўйича тиббий-санитария муассасалари учун ташкилий-методик марказ ҳисобланади.

4. ТМКТПга бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун ҳудудий хусусиятларни ва аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда аҳоли бириктирилиши мумкин.

Аҳоли бириктирилган ТМКТПга профилактика ва патронаж ишлари сифатини ошириш учун махсус автотранспорт ажратилади.

5. ТМКТП ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

## 2-боб. ТМКТПнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар ТМКТПнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳолига энг кўп учрайдиган касалликларни профилактика қилиш ва даволаш бўйича ҳам алоҳида беморлар, ҳам бутун оила даражасида тиббий хизматлар кўрсатиш;

аҳолига малакали бирламчи, биринчи навбатда, касалликларни профилактика қилиш масалаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, туғруқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ёл-



WWW.LEX.UZ

ғиз кексалар, ногиронлар ва сурункали касалликларга чалинган шахслар ҳамда ўзгалар ёрдамига ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ўртасида мунтазам патронаж ишларини амалга ошириш;

оилада тиббий маданиятни ошириш ва ҳар бир кишининг ўз саломатлиги ва ўзининг болалари саломатлиги учун масъулиятини оширишга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

аҳоли ўртасида баркамол соғлом авлодни тарбиялашга, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга, тиббий этика ва деонтология, санитария-гигиена кўникмалари, оқилона овқатланиш қоидаларига риоя этишга, туғма патология ва ирсий касалликларни камайтиришга йўналтирилган профилактика тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

миллий календарга биноан профилактика эмлашларини ўтказиш йўли билан бошқариладиган инфеюхиялар ва уларнинг асоратларини профилактика қилиш;

юқумли бўлмаган касалликларга чалиниш хавфи омилларини барвақт аниқлаш механизмларини жорий этиш йўли билан аҳоли ўртасида касалликка учрашни, ногиронликни ва барвақт ўлимни профилактика қилиш;

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, клиник, биокимёвий лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказиб аҳолининг бевосита яшаш жойларида профилактик тиббий кўриклар ташкил этиш йўли билан касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сурункали касалликларга айланиб кетишига йўл қўймаслик;

кеча-кундуз фаолият кўрсатадиган мобил, диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ яхши жиҳозланган тез тиббий ёрдам кичик станциясидан фойдаланган ҳолда шифохонага ётқизишдан олдинги тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек сурункали касалликларга чалинган беморларнинг мунтазам кузатиб турилишини, соғломлаштирилишини ва реабилитация қилинишини таъминлаш;

юқумли касалликлар, заҳарланишлар ва фавқулодда вазиятлар тўғрисида тегишли хизматларни ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни, бириктирилган участкани ва уй хўжаликларини санитария жиҳатидан хотиржамлиги юзасидан умумий назоратни амалга ошириш, юқумли касалликлар ўчоқларида обсервация тадбирларини ўтказиш, аҳолини хавфли эпидемик вазият тўғрисида огоҳлантириш;

аҳолига амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатишни ташкил этишда оилавий поликлиникаларга ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш.

7. ТМКТП ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида туғруқ ёшидаги аёллар ва ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ёлғиз кексалар, ногиронлар ва сурункали касалликларга чалинган шахслар ҳамда ўзгалар ёрдамига ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ўртасида мунтазам ва тизимли патронаж ишларини амалга ошириш;



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, хавфсиз оналикни таъминлаш, кутилмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, контрацепция, этика, психология, оилавий ҳаётнинг ижтимоий ва бошқа жиҳатлари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш;

соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти, юқумли касалликлар профилактикаси, кўкрак сути билан эмизиш, болалар саломатлигидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш, уларни таълим муассасаларига ўқишга киришга тайёрлаш, касбга йўналтириш масалалари бўйича санитария-тушунтириш ишларини олиб бориш;

соғломлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ҳамда поликлиникага бириктирилган аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш;

миллий календарга биноан белгиланган муддатларда профилактика эмлашларини ўтказиш;

касалликларни барвақт аниқлаш, касалланишни ва унинг асоратларини камайтириш, ногиронликка чалинишни ва ўлимни камайтиришга доир комплекс профилактика тадбирларини ўтказиш;

тиббий (профилактика, бирламчи, даврий, чуқурлаштирилган) кўрикларнинг барча турларини ўтказиш;

сурункали касалликлари бор шахсларнинг, шу жумладан ижтимоий хизматлар тўпламини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг айрим тоифалари соғлиғи ҳолатини диспансерда кузатиб бориш, беморларга, шу жумладан онкология касалликлари бор беморларга паллиатив ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш;

белгиланган стандартларга мувофиқ, мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда лаборатория ва инструментал текширишлар ўтказиш;

беморларга тиббий консультациялар бериш, оғир ва нотипик ўтадиган ва кам учрайдиган касалликлар ҳолатларида стационар ва диспансер муассасаларида даволанишга юбориш;

хизмат кўрсатиладиган аҳолига шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган шифохонадан олдинги тиббий ёрдам кўрсатиш ва зарур ҳолатларда, белгиланган тартибда тиббиёт муассасаларига даволаниш учун жойлаштириш;

аҳоли ўртасида касалланиш, травматизм, ногиронлик, ўлимнинг олдини олиш ва уларни камайтириш бўйича профилактика тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш;

беморларни текшириш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича бошқа даволаш-профилактика муассасалари билан ворислик тамойилига риоя этиш;

беморларни ҳаёт учун хавфли ва бахтсиз ҳодисалар (травмалар, заҳарланиш, ҳайвонлар ва кемирувчилар, газандалар тишлаши, чақиши) ҳолатларида уларни шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш учун бошқа даволаш-профилактика муассасаларига ва ихтисослаштирилган муассасаларга юбориш;

меҳнатга лаёқати барқарор йўқотилган беморларни врачлик-маслаҳат комиссиясига (ВМКга) ва врачлик-меҳнат эксперт комиссиясига (ВМЭКга) белгиланган тартибда юбориш;

юқумли касалликлар, паразитар ва касб касалликлари, заҳарланишлар



WWW.LEX.UZ

ва санитария-гигиена талабларининг аниқланган бузилишлари тўғрисида давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларни белгиланган тартибда хабардор қилиш;

бирламчи тиббий-санитария ва паллиатив тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича тиббиёт ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

даволаш-профилактика, санитария-маърифий реабилитация тиббий тадбирларни ва тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишда оилавий поликлиникаларга методологик ёрдамни ташкил этиш;

Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиникалардан юборилган беморларга юқори малакали мутахассислар, шу жумладан жалб этилган профессорлар, доцентлар, ассистентлар ва олий тиббиёт таълим муассасалари, ихтисослаштирилган марказлар ва илмий-тадқиқот институтлари ходимлари томонидан консультациялар бериш;

оилавий поликлиникаларда назарда тутилмаган, шу жумладан (биокимёвий, серологик, иммунологик, цитологик ва бошқа), лабораторияларда шунингдек инструментал (функционал диагностика, рентген ва бошқа) тадқиқотлар методларини амалга ошириш ёки диагноз қўйиш.

## 3-боб. ТМКТПнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. ТМКТП ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиб, юқори соғлиқни сақлаш органи билан келишган ҳолда ўзининг асосий фаолиятини режалаштириш;

ТМКТПга берилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

ТМКТП ходимларининг малакасини ошириш;

фаолиятнинг қонун ҳужжатларига, ТМКТПнинг мақсадлари ва фаолияти предметига зид бўлмаган бошқа турларини амалга ошириш.

ТМКТП қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. ТМКТП қуйидагиларга мажбур:

аҳолини юқори малакали консультация ва тиббий даволаш-профилактика ёрдами билан таъминлаш;

поликлиникалар, шошилинч тиббий ёрдам хизмати ва стационар муассасалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

беморларни амбулаторияда қабул қилиш ва уларни уйига бориб кўриш;

беморлар ҳуқуқларига, шу жумладан уларнинг бемор тўғрисидаги тиббий маълумотларнинг махфийлиги ҳуқуқига риоя этиш;

ТМКТП биноларида зарур санитария-гигиена режимини, асептика ва антисептика қоидаларини, асбобларни ва материалларнинг гемоконтакт ва бошқа инфекциялардан профилактикасини таъминловчи стерилизация қилиш шарт- шароитларини сақлаб туриш;

қонун ҳужжатлари, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя қилиш;



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



мавжуд тиббий асбоб-ускуналар, аппаратлар ва мол-мулкнинг сақланишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

ТМКТПнинг фаолиятига оид ҳужжатларнинг сақланишини, шунингдек уларнинг давлат сақловига белгиланган тартибда берилишини таъминлаш.

10. ТМКТП қуйидагилар учун жавоб беради:

туман оилавий поликлиникалари томонидан аҳолига амбулатория-поликлиника ёрдамини ташкил этиш;

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш.

11. ТМКТП врачининг мажбуриятлари:

тақдим этилган ҳужжатларни, консультация олишга ва текширишга юборилган беморни пухта ўрганиш;

зарурат бўлганда, бошқа мутахассисларни жалб этган ҳолда, қўшимча текширув методларини, консилиумни ўтказиш;

диагноз қўйиш ва беморни келгусида даволаш тартибини белгилаш, диагноз қўйишда қийинчилик бўлган тақдирда беморни кейинчалик диагноз қўйиш ва даволашни аниқлаштириш учун ихтисослаштирилган тиббиёт муассасасига юбориш;

беморларни кўрсатмалар бўйича стационарда даволанишга юбориш.

## 4-боб. ТМКТП ишларини ташкил этиш ва уни бошқариш

12. ТМКТПга айни вақтда Тошкент шаҳри туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг амбулатория-поликлиника ёрдами бўйича ўринбосари ҳисобланадиган мудир раҳбарлик қилади.

ТМКТП мудири Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси билан келишилган ҳолда туман тиббиёт бошқармаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

13. ТМКТП мудири белгиланган тартибда:

ТМКТП фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, унинг ишларини ташкил этади ва оилавий поликлиникалар фаолияти натижалари учун шахсан жавоб беради;

Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бош бошқармасига ҳисоботлар тақдим этади;

мутахассислар билан биргаликда халк депутатлари шахар Кенгаши сессияларида хисобот беради.

14. Аҳоли бириктирилган ТМКТПда асосий фаолиятни тегишли ихтисослик бўйича дипломга (сертификатга) эга бўлган мутахассислар ва патронаж ҳамширалари олиб борадилар.

## 5-боб. ТМКТПнинг молия-хўжалик фаолияти

15. ТМКТПнинг молия-хўжалик фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



16. Қуйидагилар ТМКТПни молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

поликлиниканинг жорий фаолиятини сақлаб туришга, унга юкланган вазифалар ва функцияларини бажариш бўйича тадбирларни амалга ошириш, шунингдек поликлиниканинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хайрия эҳсонлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

пулли тиббий хизматлар кўрсатишдан олинган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

17. Ҳисобот йили охирида ТМКТП ҳисоб рақамларида қолган маблағлар олиб қўйилмайди ҳамда улардан ТМКТПнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини белгиланган тартибда моддий рағбатлантириш учун фойдаланилади.

## 6-боб. ТМКТПнинг ҳисоб-китоби ва хисоботи

18. ТМКТП белгиланган тартибда, даврий асосда статистика ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини амалга оширади.

19. ТМКТП ўз фаолияти натижалари тўғрисида қонунчиликда бўлган муддатларда ҳисобот ва бошқа ахборотлар тақдим этади.

20. ТМКТПнинг мудири туман бўйича тиббий ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг юритилиши учун жавоб беради.

## 7-боб. Якунловчи қоида

21. ТМКТПни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 6 июндаги ПҚ–3039 қарорига
4-ИЛОВА

## Тошкент шаҳридаги туман марказий кўп тармоқли поликлиникасининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ




WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 6 июндаги
ПҚ–3039 сон қарорига
5-ИЛОВА

## Тошкент шаҳрининг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами, тез тиббий ёрдам муассасалари ҳамда стационар тиббиёт ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш механизмини ва бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш муассасаларининг Тошкент шаҳрида жойлашган тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда стационар тиббиёт ташкилотлари билан ўзаро алоқасини белгилайди.

### 2-боб. Оилавий поликлиникалар ҳузуридаги тез тиббий ёрдам пунктлари фаолиятини ташкил этиш

2. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва аҳоли бириктирилган оилавий поликлиникалар ҳамда марказий туман кўп тармоқли поликлиникалари (кейинги ўринларда поликлиникалар деб аталади) ва бошқа тиббиёт ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда интеграциялаштирилган тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида иш кунларида соат 8-00дан 20-00гача бўлган даврда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ва поликлиникалар ҳузурида тез тиббий ёрдам бериш пунктлари ташкил этиш йўли билан кеча-кундуз режимида бирламчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун иккита махсус автотранспорт воситаси ажратилади.

3. Оилавий поликлиникаларда чақирувга борувчи бригадалар ва бириктирилган махсус автотранспорт воситаси учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

4. Махсус автотранспорт воситаси «Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг ихтисослаштирилган автотранспорт воситаси корхонаси» давлат корхонаси томонидан ажратилади, корхона автотранспортни сақлаб туришни, унга техник ва сервис хизмати кўрсатишни таъминлайди.

Поликлиникага бириктирилган махсус автотранспорт воситаларига улар хизмат кўрсатадиган поликлиникаларнинг номи, телефон ракамлари ёзиб қўйилади.

Поликлиникалар ҳузурида тез тиббий ёрдам бериш пунктларида хизмат кўрсатиш учун тез тиббий ёрдамнинг чақирувга борувчи бригадалари тиббий ходимларини ажратиш Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам станцияси томонидан таъминланади.

5. Тез тиббий ёрдам бригадаларининг махсус автотранспорт воситаси ҳаракатини назорат қилиш Тошкент шаҳридаги тез тиббий ёрдам кўрсатиш



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



станцияси ва туман кичик станциялари диспетчерлари томонидан таъминланади.

Поликлиника ҳузуридаги тез тиббий ёрдам пунктида чақирувларни рўйхатдан ўтказиш учун махсус хоналар ажратилади, улар чақирувларни қабул қилиш учун шароитлар билан таъминланади.

6. Поликлиника хизмат кўрсатадиган ҳудуд, тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун бригадалар сони, бириктирилган аҳоли сонига боғлиқ ҳолда, Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси қарори билан белгиланади.

7. Поликлиникалар ҳузуридаги тез тиббий ёрдамнинг чақирувга борувчи бригадаларини дори воситалари ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш белгиланган тартибда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази хузуридаги Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам станцияси томонидан амалга оширилади.

## 3-боб. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами, тез тиббий ёрдам ва Тошкент шаҳри тиббиёт ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги

8. Зарур тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббиёт ташкилотлар ўртасида ахборот алмашишни таъминлаш бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш муассасалари ва тез тиббий ёрдам хизмати муассасалари ўртасида тез тиббий ёрдам чақирувларига хизмат кўрсатиш ахборотлари билан алмашиш схемасига мувофиқ таъминланади.

9. Тез тиббий ёрдам чақирувларини қабул қилиш Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам диспетчерлик станцияси томонидан амалга оширилади.

10. Шифохонага жойлаштиришни рад этган ёки тиббиёт ташкилотларига жойлаштирилган оғир беморлар тўғрисидаги ахборот умумий амалиёт врачига бириктирилган беморнинг аҳволини кейинчалик назорат қилиб боришни таъминлаш учун оилавий поликлиникага берилади.

11. Беморнинг аҳволидан келиб чиққан ҳолда, стационарда даволаш зарур бўлганда тез тиббий ёрдам хизмати уни жойлашиши бўйича тегишли тиббиёт ташкилотига олиб боради.

12. Чақирувга борувчи бригадалар ишларини ташкил этиш, чақирувларни бажариш натижалари, шунингдек тиббий ҳисобга олиш-ҳисобот ҳужжатларини юритиш, бажарилган ишлар тўғрисидаги ишончли ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш юзасидан масъулият Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам станциясининг бош врачи зиммасига юкланади.

## 4-боб. Аҳоли ўртасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш муассасалари томонидан профилактика тадбирларини ва патронаж ишларини амалга ошириш

13. Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун оила-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



вий поликлиникага бириктирилган махсус автотранспорт воситасидан иш вақтида қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

оилавий поликлиника тиббиёт ходимини кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда беморнинг хонадонига олиб бориш;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ногиронларга, ёлғиз кексаларга, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга уйига бориб ёрдам кўрсатиш, шунингдек тиббий ёрдам кўрсатиш, мутахассислар консилиумини ўтказиш, лаборатория тадқиқотлари учун материалларни бемор хонадонига олиб бориш ва инструментал текширувлар ўтказиш;

болаларга, ҳомиладор аёлларга фаол патронаж хизмати кўрсатиш, уйида стационар ташкил этиш;

беморларни, шу жумладан ҳомиладор аёлларни тегишли тиббиёт ташкилотларига олиб бориш.

14. Патронаж ва профилактика тадбирларининг ташкил этилиши поликлиника бош врачининг даволаш масалалари бўйича ўринбосари томонидан назорат қилинади.

15. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун хонадонга чақирувларга хизмат кўрсатишда дори воситалари, сарфлаш материаллари, тиббий буюмлар билан таъминлаш, стандарт формулярлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Бош тиббий ҳамшира дори воситалари, тиббий сарфлаш материаллари билан таъминлаш учун масъул ҳисобланади.

16. Бажарилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тиббий ҳисобга олиш ҳужжатларида, белгиланган тартибда қайд этилади.

17. Тиббиёт ташкилотида даволанган беморнинг касаллик тарихидан кўчирма кейинчалик уни бириктирилган оилавий поликлиникага бериш учун уч кун муддатда тегишли туман марказий кўп тармоқли поликлиникасига топширилади.

18. Касаллик тарихидан кўчирма олингач, у беморнинг умумий ҳолатини динамик кузатиб бориш, стандартларга мувофиқ соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш, зарурат бўлганда, беморнинг хонадонига вақти-вақти билан бориш учун умумий амалиёт врачига берилади.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

19. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

20. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 6 июндаги
ПҚ–3039 қарорига
5а-ИЛОВА

## Тез тиббий ёрдам чақирувларига хизмат кўрсатиш ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, стационар тиббиёт ташкилотлари ва тез тиббий ёрдам хизмати ўртасида ахборот айирбошлаш
## СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар |
|---|---|---|
| 1-босқич | Аҳоли, ИИВ ва ФВВ шошилинч, хизматлари | Чақирувларни тез тиббий ёрдам станцияси марказий диспетчерлик хизмати томонидан қабул қилиш. |
| 2-босқич | Тошкент шаҳридаги тез тиббий ёрдам марказий диспетчерлик станцияси | 1. Чақирувларни қабул қилиш протоколига мувофиқ диспетчер бемор ҳолатини аниқлайди ва чақирувни:<br>а) тез тиббий ёрдам кичик станциясига (кеча-кундуз давомида);<br>б) оилавий поликлиникага (иш кунларида — соат 8-00 дан 20-00 гача) юборади. |
| 3-босқич | Чақирувга борадиган тез тиббий ёрдам бригадаси | 1. Манзил бўйича беморга тез тиббий ёрдам чақирувига боришни таъминлайди.<br>2. Тегишли шошилинч тиббий ёрдам кўрсатади ва, зарурат бўлганда, беморни тегишли тиббиёт стационар муассасасига жойлаштиради.<br>3. «Хабар варақаси»ни икки нусхада тўлдиради, унинг бир нусхасини беморга ёки унинг қариндошларига, иккинчи нусхасини эса тегишли оилавий поликлиникага — бемор ҳолатининг кейинги назоратини амалга ошириш учун тақдим этади. |
| | Оилавий поликлиника ёки туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси | 1. Чақирувни ҳисобга олади ва иш вақтида хизмат кўрсатиш учун патронаж тиббий ҳамширани ёки ушбу участкага бириктирилган умумий амалиёт шифокорини юборади.<br>2. Патронаж тиббиёт ҳамшираси ёки умумий амалиёт шифокори зарур тиббий ёрдам кўрсатади.<br>3. Зарурат бўлганда, вақти-вақти билан хонадонига бориш учун бемор ҳисобга олинади. |
| 4-босқич | Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, республика кўп тармоқли поликлиникалари, ИТИ ва ОТМ | 1. Зарур ҳажмда тиббий ёрдам кўрсатади (амбулаторияда ёки стационар шароитда).<br>2. Тиббиёт ташкилоти раҳбарияти беморнинг касаллик тарихидан кўчирмани уч кун муддатда тегишли туман марказий кўп тармоқли поликлиникасига тақдим этади. |



WWW.LEX.UZ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар |
|---|---|---|
| | клиникалари, шаҳар клиник ва ихтисослаштирилган шифохоналари, туғруқ комплекслари | |
| 5-босқич | Туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси | Келгусида беморнинг аҳволини назорат қилишни таъминлаш учун тегишли оилавий поликлиникани белгиланган тартибда хабардор қилади. |



WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 6 июндаги ПҚ–3039-сонли қарорига
5б-ИЛОВА

## Тез тиббий ёрдам чақирувларига хизмат кўрсатиш СХЕМАСИ

**I** → Ягона рақам «103» → Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам станцияси марказий диспетчерлиги томонидан чақирувни қабул қилиш

**II** Чақирувларни қабул қилиш протоколига мувофиқ диспетчер томонидан беморнинг ҳолатини аниқлаш ва чақирувга юбориш:

**III**
- Оилавий поликлиника ёки туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси ҳузуридаги тез тиббий ёрдам пунктига (кечаю-кундуз)
- Оилавий ёки туман марказий кўп тармоқли пликлиникасига (иш кунларида соат 8-00 дан соат 20-00 гача)

**IV**
- Тез тиббий ёрдам бригадаси томонидан зарур шошилинч ёрдам кўрсатиш ва зарурат бўлганда беморни тегишли стационар тиббиёт муассасасига жойлаштириш
- Патронаж тиббиёт ҳамшираси ёки умумий амалиёт врачи томонидан зарур тиббий ёрдам кўрсатиш ва зарурат бўлганда беморни тегишли стационар тиббиёт муассасига жойлаштириш

**V** Стационар тиббиёт муассасалари - Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, республика кўп тармоқли поликлиникалари, илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим муассасаларининг клиникалари, шаҳар клиник ва ихтисослаштирилган шифохоналари, туғруқхона комплекслари

WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 6 июндаги ПҚ–3039-сон қарорига
5в-ИЛОВА

**Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, стационар тиббиёт ташкилотлари ва тез тиббий ёрдам хизмати ўртасида ахборот айирбошлаш**
**СХЕМАСИ**




WWW.LEX.UZ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 6 июндаги
ПҚ–3039-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Тошкент шаҳри бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, шунингдек уларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бириктириш**

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| **Миробод тумани** | | |
| **7-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| 1-сон оилавий поликлиника | Чехов кўчаси, 6-уй | Мовароуннаҳр |
| | | Мингўрик |
| | | Афросиёб |
| | | Авлоний |
| | | Миробод |
| | | Янги Миробод |
| | | Салар |
| | | Фаровон (Ўзбекистон) |
| | | Лолазор (Боғишамол) |
| | | Ат-Термизий |
| | | Шароф Рашидов |
| | | Ойбек |
| | | Байналминал |
| 2-сон оилавий поликлиника | Қўйлиқ 3-мавзеси, 29а-уй | Олтинкўл |
| | | Қорасув |
| | | Янги Қўйлиқ |
| | | Толариқ |
| | | Зиёнур (Олмазор) |
| | | Юксалиш (Мустақиллик) |
| | | Оқ уй |
| | | Файзиобод |
| | | Билимдон |
| | | Чинор |
| | | Парвона |
| | | Қўйлиқота |
| | | Баратхўжа |
| | | Баёт (Матонат) |
| 3-сон оилавий поликлиника | 8 март кўчаси, 58-уй | Тонг юлдузи (Шарқ Юлдузи) |
| | | Янги замон |
| | | Истиқлолобод |
| | | Иноқобод |
| | | Темирйўлчилар |
| | | Фурқат |
| | | Фитрат |
| | | Банокотий |
| | | Биродарлик |



WWW.LEX.UZ

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | Наврўз |
| | | Заминобод (Дўстлик) |
| | | Саракўл |
| **Мирзо Улуғбек тумани** | | |
| **5-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| 4-сон оилавий поликлиника | Қаландар кўчаси, 2-уй | Гулистон |
| | | Олмачи |
| | | БИЙ |
| | | Сайрам |
| | | Алпомиш |
| | | Бўз-2 |
| | | Элобод |
| | | Олий ҳиммат |
| 5-сон оилавий поликлиника | Пушкин кўчаси, 42-уй | Шаҳрисабз |
| | | Нур |
| | | Оқибат |
| | | Лашкарбеги |
| | | Мустақиллик |
| | | Салар |
| 6-сон оилавий поликлиника | М. Терез кўчаси, 10-уй | Камолот |
| | | Мунавварқори |
| | | Аҳиллик |
| | | Уйғониш |
| | | Азамат |
| | | Шалола |
| | | Бешкапа |
| | | Тракторсозлар |
| | | Юзработ |
| | | Аҳмад Югнакий |
| | | Ал-Фаробий |
| | | Ҳумоюн |
| 7-сон оилавий поликлиника | Рахматуллин кўчаси, 218-уй | Шаҳриобод |
| | | Ҳ. Абдуллаев |
| | | Баҳор |
| | | Умид |
| | | Олимлар |
| | | Катта Яланғоч ота |
| | | Феруза |
| | | Навниҳол |
| 8-сон оилавий поликлиника | Матқобулов кўчаси, 40-уй | Шукур Бурхон |
| | | Алишер Навоий |
| | | Катта Қорасув |
| | | Катта Олтинтепа |
| | | Наврўз |
| | | Авайхон |
| | | Янги авайхон |



WWW.LEX.UZ

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | Гулсанам |
| | | Султония |
| | | Чимён |
| | | Шўртепа |
| | | Олтин тепа-10 |
| | | Нодирабегим |
| | | Яланғоч |
| 9-сон оилавий поликлиника | Пушкин кўчаси, 79-уй | Турон |
| | | Оққўрғон |
| | | Дархон |
| | | М. Исмоилий |
| | | Ҳ. Олимжон |
| | | Улуғбек қўрғончаси |
| **Сирғали тумани** | | |
| **8-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| Кўп тармоқли марказий поликлиника | Спутник-5, 24-уй | Ал-Фарғоний |
| | | Виқор |
| | | Йўлдош |
| | | Ерқин ҳаёт |
| | | Чорбоғ |
| | | Чароғон |
| | | Дўстлик |
| | | Навқирон |
| | | Олчазор |
| | | Дарё бўйи |
| | | Хонобод |
| | | Қурувчилар |
| | | Нилуфар |
| | | Софдил |
| | | Олчазор |
| | | Иттифоқ |
| 10-сон оилавий поликлиника | Шокир ариқ кўчаси, 18-уй | Ҳабибий |
| | | Меҳригиё |
| | | Мададкор |
| | | Зийнат |
| | | Эзгулик |
| | | Янги Сергели |
| | | Соҳибқирон |
| | | Нурҳаёт |
| | | Ўзгариш |
| | | Саҳоват |
| | | Қипчоқ |
| 11-сон оилавий поликлиника | Чоштепа кўчаси, 147-уй | Чоштепа |
| | | Навоий |
| | | Нўғайқўрғон |
| 12-сон оилавий поликлиника | Қуйлиқ мавзеси, 5-даҳа, 28-уй | Шукрона |
| | | Зиёкор |



WWW.LEX.UZ

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | Халқобод |
| | | Маданият |
| | | Асробод |
| | | Қўшқўрғон |
| 13-сон оилавий поликлиника | Авиасозлар шаҳарчаси, 130-уй | Учувчилар |
| | | Олтин водий |
| | | Қумариқ |
| **Олмазор тумани** | | |
| **2-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| 14-сон оилавий поликлиника | Сағбон кўчаси, 1-уй | Эски шахар |
| | | Қўштут |
| | | Чустий |
| | | Чиғатой Дарбоза |
| | | Ҳофиз Кухакий |
| | | Гузарбоши |
| | | Хастимом |
| | | Исмоил Шоший |
| 15-сон оилавий поликлиника | Каланов кўчаси, 1-уй | Истиқбол |
| | | Бўстон |
| | | Шодиёна (Шодлик) |
| | | Тепагузар (Обод) |
| | | Табассум |
| | | Ғалаба |
| | | Умид |
| | | Ғ. Ғофуров |
| | | Пахта |
| | | Олимпия |
| 16-сон оилавий поликлиника | М. Каримов кўчаси, 6-уй | Жийдали |
| | | Хислат |
| | | Беруний |
| | | Шифокор |
| | | Олимпия |
| | | Мирзо Ғолиб |
| | | Чиғатой оқтепа |
| 17-сон оилавий поликлиника | Сағбон кўчаси, 225-уй | Зиё |
| | | Чимбой |
| | | Гузарбоши |
| | | Ғаъни Аъзамов |
| | | Ачаобод |
| | | Гуручариқ |
| | | Бўстон |
| | | Истиқлол |
| | | Университет |
| 18-сон оилавий поликлиника | Беруний кўчаси, 371-уй | Қуёш (А. Навоий) |
| | | Чиғатой Оқтепа |
| | | Орзу (Беруний) |



WWW.LEX.UZ

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | Университет |
| | | Мирзо Ғолиб |
| | | Аплон |
| | | Чустий |
| | | Зиё |
| 19-сон оилавий поликлиника | Ғ. Ғулом кўчаси, 271-уй | Чилтуғон |
| | | Хончорбоғ |
| | | Мискин |
| | | Намуна |
| | | Гуручариқ |
| | | Хазрати Имом (Истиқлол) |
| | | Қорасарой |
| | | Себзор |
| | | Юқори Себзор |
| | | Янги Себзор |
| 20-сон оилавий поликлиника | Қорақамиш $^{1}/_{2}$, 2-уй | Қичқириқ |
| | | Исломота |
| | | Тараққиёт |
| | | Олтинсой (Навбаҳор) |
| | | Чуқурсой |
| | | Гулсарой (Дўстлик) |
| | | Иброҳимота |
| | | Гулзор |
| | | Мискин |
| 21-сон оилавий поликлиника | Генерал Ғофуров кўчаси, 159-уй | Пахта |
| | | Мойариқ |
| | | Янги Тошкент |
| | | Гулзор |
| | | Ниҳол |
| | | Аҳил |
| | | Бешқўрғон |
| | | Шон-шуҳрат |
| | | Мустақил |
| | | Ёшлик |
| | | Чаманбоғ |
| **Учтепа тумани** | | |
| **4-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| Кўп тармоқли марказий поликлиника | Чиланзор, 25-мавзе, 47-уй | Катта Қаъни |
| | | Қозигузар |
| | | Ватан |
| | | Найман |
| | | Чўлпонота |
| | | Ватанпарвар |
| | | Нуробод |
| | | Ҳамдўст |
| | | Ширин |



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | А. Соғуний |
| | | Дийдор |
| | | Ал-Хоразмий |
| | | Диёробод |
| | | Фозилтепа |
| | | Ўрикзор |
| | | Зарафшон |
| | | Кўксарой |
| 22-сон оилавий поликлиника | З. Саид кўчаси, 237-уй | Шарқ гули |
| | | Боғичинор |
| | | Тақачи |
| | | Учтепа |
| | | Оқмачит |
| | | Қуйи Дархон |
| | | Хуршид |
| | | Шафтолизор |
| | | Ҳожиобод |
| | | Бекобод |
| | | Истироҳат |
| | | Хондамир |
| | | Зулфизар |
| | | Жарбулоқ |
| | | Ўткир |
| | | Ибрат |
| | | Беш қайрағоч |
| | | Қор ёғди |
| | | Кўркамобод |
| 23-сон оилавий поликлиника | Саккокий кўчаси, 4а-уй | Кўкча оқтепа |
| | | Абдулла Қодирий |
| | | Давлатобод |
| | | Латиф Гузар |
| | | Хайратий |
| 24-сон оилавий поликлиника | Чилонзор, 11-мавзе, 1в-уй | Кўрғонтепа |
| | | Хуросон |
| | | Тинчликобод |
| | | Фарҳод |
| | | Заргарлик |
| | | Тепақўрғон |
| 25-сон оилавий поликлиника | Чилонзор, 14-мавзе, 17-уй | Кўхна чопон |
| | | Боғистон |
| | | Боғобод |
| | | Бирлик |
| | | Гузар |
| 26-сон оилавий поликлиника | У. Зуфаров кўчаси, 14а-уй | Пахтакор |
| | | Нишоб ариқ |
| | | Шофайзбоғ |
| | | Дегрез |



WWW.LEX.UZ

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | Шарқ юлдузи |
| | | Боғичинор |
| | | Кўкча оқтепа |
| **Яшнобод тумани** | | |
| **3-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| Кўп тармоқли марказий поликлиника | Махтумқули кўчаси, 2-уй | Бойқўрғон |
| | | Тўйтепа |
| | | Чўлпон |
| | | Семурғ |
| | | Истиқлол |
| | | Дўстобод |
| | | Фидоийлар |
| | | Машинасозлар |
| 27-сон оилавий поликлиника | Жарқўрғон кўчаси, 7-берк кўча, 3-уй | Янги давр |
| | | Асалобод |
| | | Жарқўрғон |
| | | Бешбола |
| | | Кўксарой |
| | | М. Ашрафий |
| | | Алимкент |
| | | Махмур |
| 28-сон оилавий поликлиника | Шоҳсанам кўчаси, 2-тор кўча, 2-уй | Дилбоғ |
| | | Хосиятли |
| | | Янгиқўрғон |
| | | Донишманд |
| | | Ойдинкўл |
| | | Илтифот |
| | | Шоҳимардон |
| | | Шоҳсанам |
| | | Катта Янгиобод |
| | | Беҳизор |
| | | Тарновбоши |
| | | Янгинур |
| | | Нодира |
| 29-сон оилавий поликлиника | Фарғона йўли кўчаси, 543-уй | Катта Қўйлиқ |
| | | Иқбол |
| | | Уйсозлар |
| | | Қўйлиқобод |
| | | Мумтоз |
| | | Ўрта масжид |
| | | Бунёдкор |
| 30-сон оилавий поликлиника | Бирлашган кўчаси, 8-уй | Фазогир |
| | | Баркамол |
| | | Дилбоғ |
| | | Парвоз |
| | | Наврўзобод |



WWW.LEX.UZ

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | Бирлашган |
| | | Бешариқ |
| | | Яшнобод |
| | | Авиасозлар |
| 31-сон оилавий поликлиника | Лисунов кўчаси, 4-мавзе, 29-уй | Олмос |
| | | Ватандош |
| | | Амир Темур |
| | | Гўзал |
| | | Тонг |
| | | Тузел |
| | | Моҳинур |
| | | Ал-Бухорий |
| 32-сон оилавий поликлиника | Мусахонов кўчаси, 8-уй | Ширинобод |
| | | Асалобод |
| | | Жўрабек |
| | | А. Яссавий |
| | | Маърифат |
| | | Бойсун |
| **Чиланзор тумани** | | |
| **9-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| 33-сон оилавий поликлиника | Фарҳод кўчаси, 7-уй | Катта Қозиробод |
| | | Уйбиробод |
| | | Гавҳар |
| | | Навбаҳор |
| | | Бешқўрғон |
| | | Тирсакобод |
| 34-сон оилавий поликлиника | Чилонзор, 2-мавзе, «Б» уй | 1-Чарх камолон |
| | | Катта Чилонзор-1 |
| | | Катта Чилонзор-2 |
| | | Катта Чилонзор-3 |
| | | Новза |
| | | Чилонзор |
| | | Катта Қозиробод |
| 35-сон оилавий поликлиника | Чилонзор, 20-мавзе, 4а-уй | Ботирма |
| | | Меҳржон |
| | | Кичик хирмонтепа |
| | | Хирмонтепа |
| | | Шухрат |
| | | Катта хирмонтепа |
| | | Яккатуп |
| | | Бўрижар |
| | | Хайробод |
| | | Хонтўпи |
| | | Шарқ тонги |
| 36-сон оилавий поликлиника | Муқимий кўчаси, 142-144-уй | 2-Чарх камолон |
| | | 3-Чарх камолон |



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | Бешчинор |
| | | Катта олмазор |
| | | Бешёғоч |
| 37-сон оилавий поликлиника | Турсунқулов кўчаси, 1-уй | Боғзор |
| | | Оқтепа |
| | | Лутфий |
| | | Қатортол |
| | | Нафосат |
| | | Қатортол-1 |
| | | Кўтарма |
| | | Чўпонота |
| | | Халқлар дўстлиги |
| | | Дилобод |
| 38-сон оилавий поликлиника | Алгоритм мавзеси, 18-уй | Шароф |
| | | Шарқ |
| | | Гулистон |
| | | Бектўпи |
| | | Баҳористон |
| | | Ал-Хоразмий |
| | | Шарқ тонги |
| 39-сон оилавий поликлиника | Наққошлик кўчаси, 7а-уй | Катта Уйрабод |
| | | Наққошлик |
| | | Мевазор |
| | | 2-Қатортол |
| | | Яккабоғ |
| | | Зарқўрғон |
| | | Навбаҳор |
| **Шайхонтоҳур тумани** | | |
| **1-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| Кўп тармоқли марказий поликлиника | Уйғур кўчаси, 305-уй | Катта ҳовуз |
| | | Оқ илон |
| | | Кўкча дарвоза |
| | | Шофойиз |
| | | Сархумдон |
| | | Янги шаҳар |
| | | Маннон Уйғур |
| | | Кўкча |
| | | Сузук ота |
| 40-сон оилавий поликлиника | Ибн Сино мавзеси, 1-уй | Ибн Сино |
| | | Шодлик |
| | | Янги Жарариқ |
| | | Катта Жарариқ |
| | | Белтепа |
| | | Янги Белтепа |
| 41-сон оилавий поликлиника | Ипакчи кўчаси, 75-уй | Ипакчи |
| | | Эски Жарариқ |



WWW.LEX.UZ

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | Ўзбекистон |
| | | Зафаробод |
| | | Кўкча |
| 42-сон оилавий поликлиника | З. Қобилов кўчаси, 14а-уй | Тахтапул |
| | | Жангоҳ |
| | | Лабзак |
| | | Мискин |
| | | Кўхота |
| 43-сон оилавий поликлиника | Гулханий кўчаси, 12-уй | Катта оқ тепа |
| | | Маннон Уйғур |
| | | Каттабоғ |
| | | Самарқанд Дарвоза |
| | | Олимхўжаев |
| | Бешёғоч кўчаси, 1-уй | Камолон |
| | | Камолон дарвоза |
| | | Янги камолон |
| | | Эшонгузар |
| | | Янгиобод |
| 44-сон оилавий поликлиника | Боғ кўчаси, 35-уй | Кўкча маҳалласи |
| | | Обиназир маҳалласи |
| | | Боғкўча маҳалласи |
| | | Гулобод маҳалласи |
| | | Сархумдон маҳалласи |
| | | Янги шаҳар маҳалласи |
| 45-сон оилавий поликлиника | Хувайдо кўчаси, 45-уй | Хувайдо |
| | | Бўстон |
| | | Ўзбекистон |
| | | Зафаробод |
| | | Тинчлик |
| | | Илғор |
| | | Жарариқ |
| 46-сон оилавий поликлиника | Самарқанд Дарвоза кўчаси, 1-уй | Самарканд дарвоза |
| | | Новза |
| | | Олим Хўжаев |
| | | Зангиота |
| | | Янгиобод |
| 47-сон оилавий поликлиника | Ц-14-мавзе, 17а-уй | Чақар маҳалласи |
| | | Чорсу маҳалласи |
| | | Қоратош маҳалласи |
| | | Гулбозор |
| 48-сон оилавий поликлиника | Абай кўчаси, 5-уй | Шайхонтоҳур |
| | | Хадра |
| | | Ўрда |
| | | Жангоҳ |
| | | Ўқчи |
| | | Олмазор |



WWW.LEX.UZ

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| **Юнусобод тумани** | | |
| **6-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| Кўп тармоқли марказий поликлиника | Юнусота кўчаси, 2-уй | Мурувват |
| | | Аҳмад Дониш |
| | | Беғубор |
| | | Ўзбекистон мустақиллиги |
| | | Янгиҳаёт |
| | | Шоштепа |
| | | Увайсий |
| | | Юртобод |
| | | Халқобод |
| | | Бободеҳқон |
| 49-сон оилавий поликлиника | К. Зарипов кўчаси, 14-уй | Отчопар 1 |
| | | Отчопар 2 |
| | | Оқтепа |
| 50-сон оилавий поликлиника | Марказ 6-мавзеси, 120-уй | Минор |
| | | М. Улуғбек |
| | | Ш. Шивли |
| | | Хиёбонтепа |
| | | Фирдавсий |
| | | Турккўрғон |
| | | Бодомзор |
| | | Уста Ширин |
| 51-сон оилавий поликлиника | А. Темур кўчаси, 117-уй | Анорзор |
| | | Шаҳристон |
| | | Ғайратий |
| | | Уста Ширин |
| | | Янги Ариқ |
| | | Ифтихор |
| | | Биллур |
| | | Ҳусниобод |
| | | Жомий |
| | | Адолат |
| 52-сон оилавий поликлиника | Юнусобод 7-мавзе, 28а-уй | Биллур |
| | | Адолат |
| | | Қушчинор |
| | | Мингчинор |
| | | Йўл айриқ |
| | | Туркистон |
| | | Астробод |
| | | Тикланиш |
| | | Исломбод |
| | | Собиробод |
| | | Уч қаҳрамон |
| | | Ҳасанбой |
| | | Шарқ ҳақиқати |



WWW.LEX.UZ

| Поликлиника | Юридик манзили | Ўзини ўзи бошқариш органининг номи |
|---|---|---|
| | | Ҳамкоробод |
| | | Нурмакон |
| | | Каттаҳасанбой |
| 53-сон оилавий поликлиника | Марказ 4-мавзеси, 24а-уй | Қашқар |
| | | Матонат |
| | | Буюк Турон |
| | | Минор |
| 54-сон оилавий поликлиника | Марказ 3-мавзеси, 17-уй | Боғишамол |
| | | Акбаробод |
| | | Янгиобод |
| | | Юнусобод |
| | | Кулол Қўрғон |
| | | Аҳилобод |
| | | Боғиэрам |
| 55-сон оилавий поликлиника | Ц-17 мавзеси, 3-уй | Қадрдон |
| | | Севинч |
| | | Юнусота |
| | | Беғубор |
| | | Меҳнатобод |
| 56-сон оилавий поликлиника | Оққўрғон кўчаси, 42-уй | Обод |
| | | Фирдавсий |
| | | Бўз сув |
| | | Посира |
| | | Янги Тарнов |
| | | Боғибўстон |
| | | Бодомзор |
| **Бектемир тумани** | | |
| **12-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| Кўп тармоқли марказий поликлиника | Водник мавзеси, 75-уй | Абай |
| | | Бектемир |
| | | Бинокор |
| | | Мажнунтол |
| | | Миришкор |
| | | Зилола |
| | | Роҳат |
| | | Ҳ. Бойқаро |
| | | Олтин Топган |
| | | Нурафшон |
| | | Чашма |
| | | Иқбол |
| **Яккасарой тумани** | | |
| **10-сон тез тиббий ёрдам кичик станцияси** | | |
| 57-сон оилавий поликлиника | Бобур кўчаси, 6-уй | А. Авлоний |
| | | Тепа |
| | | Ўрикзор |



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



| **Поликлиника** | **Юридик манзили** | **Ўзини ўзи бошқариш органининг номи** |
|---|---|---|
| | | Ракат |
| | | Ю. Ражабий |
| | | Туркистон |
| 58-сон оилавий поликлиника | А. Қаҳҳор кўчаси, 44-уй | Бобур |
| | | Абдулла Қаҳҳор |
| | | Армуғон |
| | | Дамариқ |
| | | Муҳандислар |
| 59-сон оилавий поликлиника | У. Носир кўчаси, 75а-уй | Яккасарой |
| | | Мерос |
| | | Тўқимачи |
| | | Муқимий |
| | | Муҳандислар |
| | | Қушбеги |
| | | Дилбулоқ |
| | | Бошлиқ |
| | | Армуғон |
| | | Ракат |
| | | Шоҳжаҳон |
| 60-сон оилавий поликлиника | Шота Руставели кўчаси, 32-уй | Конституция |
| | | Х. Сулаймонова |
| | | Ю. Ражабий |
| | | Боғисарой |
| | | У. Носир |

Изоҳ: Тошкент шаҳри ҳокимлиги, заруратга кўра, ушбу бириктиришга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2017 йил 12 июнь ҳолатига



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 6 июндаги
ПҚ–3039 сон қарорига
7-ИЛОВА

**Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касб масъулиятини ошириш чора-тадбирларининг мувофиқлаштирилишини ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича махсус комиссия**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Юсупалиев Б.К. | — Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, махсус комиссия раиси |
| 2. | Усманов Р.Ж. | — Тошкент шаҳри ҳокими, махсус комиссия раисининг ўринбосари |
| 3. | Хаджибаев А.М. | — Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг бош директори |
| 4. | Лавозимига кўра | — Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи |
| 5. | Лавозимига кўра | — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика ёрдамини ташкил этиш Бош бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Содиқов М.Ф. | — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи |
| 7. | Лавозимига кўра | — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи |
| 8. | Султанов Д.Т. | — Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам станцияси бош врачи |
| 9. | Азимов Р.Р. | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси, махсус комиссиянинг масъул котиби. |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.



WWW.LEX.UZ